



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Регламентини қабул қилиш тўғрисида

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 9-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

### ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Регламенти иловага мувофиқ қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2017 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг айrim ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди хузуридаги Илмий-маслаҳат кенгашининг таркибини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Регламентига тегишли 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Ушбу Қарор Конституциявий суднинг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Конституциявий суди**

Тошкент ш.,  
2021 йил 31 май,  
КСҚ-6-сон